ЖАДИД МАЪРИФАТПАРВАРЛАРИ АСАРЛАРИДА ТИЛ ТАЪЛИМИ МАСАЛАСИ

Дониёр РУСТАМОВ
мустақил изланувчи
Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат
Ўзбек тили ва адабиёти университети
Тошкент, Ўзбекистон

Аннотация

Мақолада жадидлар даврида тил сиёсати, жадидларнинг она тилимиз учун курашлари ва фидокорона меҳнатлари ҳақида фикр юритилган.

Таянч сўзлар: Туркистон, жадид, жадидчилик, жадидчилик ҳаракати, туркий тушунчаси, "умумтурк адабий тили" ғояси, "ўзбекий", "ўзбекча", "ўзбек тили" атамалари.

ВОПРОСЫ ОБУЧЕНИЯ ЯЗЫКУ В РАБОТЕ ДЖАДИДОВ-ПРОСВЕТИТЕЛЕЙ

Дониёр РУСТАМОВ
Независимый исследователь
Ташкентский государственный университет
узбекского языка и литературы имени Алишера Навои
Ташкент, Узбекистан

Аннотация

В статье рассматривается языковая политика джадидов, борьба джадидов за родной язык и их самоотверженный труд.

Ключевые слова: Туркестан, джадид, джадидизм, движение джадидизма, тюркская концепция, идея «общего тюркского литературного языка», термины «узбекский», «узбекский язык».

XIX аср охири ва XX аср бошларида Туркистонда вужудга келган жадидчилик ҳаракати ўша давр ҳаётига ўзига хос бир тўлқин каби таъсир кўрсатди. Ҳар бир жабҳада янгиланиш ва ўзгариш ясаш, ислоҳотлар ўтказиш, жаҳонга бўйлашиш таклифи билан чиққан маърифатпарварлар тил масаласи, унинг ажралмас қисми бўлган алифбо ва имло масалаларига ҳам янгича ёндашув билан қараганларини кўриш мумкин. Туркистонликларнинг рус мустамлакаси остида бўлгани ва ҳукмрон давлат ўз тили, маданиятини туркий ўлкаларда кенг ва чуқур томир ёйиши учун интилаётгани жадидларни

норозиликка бошлади ва ҳаракатга ундади. Ўз навбатида, чор ҳукумати ҳам жадидчилик оқими фаолиятини аввалбошданоқ хуш қабул қилмаган бўлиб, зимдан унинг пайини қирқишга уринарди. Ўтган аср бошларида Россия империя думасида мустамлака ўлкаларда янги мактаблар, яъни “усули жадидия” мактаблари очилаётгани ва уларда таълим маҳаллий халқ тилида олиб борилаётгани муҳокама қилинади. Табиийки, ҳукумат ерли халқнинг ўз она тилида эмас, балки рус тилида таълим олиши, ҳатто мулоқот қилишини истар эди. Худди шу мақсадни кўзда тутган ҳолда мустамлака ўлкаларда очилган рус-тузем мактабларида таълим рус тилида олиб борилиб, ўқувчилар ҳукмрон миллат ғоялари асосида тарбияланарди. 1906 йилда ҳукумат ўлкалардаги мактабларда таълим ерли халқ она тилида, аммо ҳар қавмнинг ўз шевасида берилишига рухсат этади. Бу эса миллатларнинг адабий тилини йўққа чиқариш, пастга уриш билан баробар эди. 1910 йилда дума мажлисларида рус империясидаги мусулмон (ёки ғайрирус) миллатларга ўз она тилида таълим олиш ҳуқуқини бериш-бермаслик масаласида тортишувлар, мунозаралар бўлиб ўтади. Бир гуруҳ “таълим ҳукумат қўлида, таълим руслар измида бўлсин, рухсатсиз мактаб очилмасин”, деган фикрда турса, иккинчи гуруҳ “рухсат олинса, ерли миллат тилида мактаб очиш ҳуқуқига эга”, дейди. Дума таркибидаги мусулмон депутатлар, табиийки, мустамлака миллатларнинг она тилига дахл қилинишига қарши турадилар. Улар таълим тилини танлаш ҳар бир миллатнинг ўзига тегишли масала эканини айтадилар. Ушбу мажлис кескин тортишувга айланиб кетади ва тил масаласи ҳал бўлмайди. Ғайриэлатлар таълим тили ҳақидаги ҳужжат қабул қилинганида эса Россиянинг марказий губерналаридаги мактабларда таълим татар ва рус тилларида олиб борилиши белгиланади. Туркистонда эса адабий тил мавжуд эмаслиги баҳона қилиниб, таълим рус тилида олиб борилади, деган қарор берилади. Бу тутуриқсиз баҳона ва қарор жадидлар томонидан катта норозилик билан кутиб олинади ва орадан кўп ўтмай “Таржимон” газетасида “Чиғатой тили” сарлавҳали мақола эълон қилинади.

Таъкидлаш жоизки, 1991 йилгача "жадид" тушунчаси "халқ душмани", "хоин", "ватан душмани" тушунчалари билан тенглаштирилган эди. Шу боис ўзбек халқи тарихида XX асрнинг бошларида шаклланган жадидчилик ҳаракати собиқ совет тарихшунослигида мутлақо ёритилмаганлиги фикримиз исботидир.

Истиқлол халқимиз, миллий маданиятимизнинг бу муҳим саҳифаларини ҳаққоний ва холисона ўрганишга имкон яратди ҳамда XXI аср бўсағасида бу соҳада анча тадқиқотлар амалга оширилди, бир қатор илмий анжуманлар ўтказилди, жадидчилик ҳаракати намояндалари меросининг оммавий нашрлари амалга оширилди. Жадидчилик ҳаракатининг марказида миллий тараққиёт, миллий-замонавий маданият ва таълим, ундан кейингина иқтисод ва сиёсат масалалари турган. Абдулла Авлонийнинг "Тарбия биз учун ё ҳаёт ё мамот, ё нажот ё ҳалокат, ё саодат ё фалокат масаласидир" деган жумлалари фикримиз исботидир. Тарбия ва таълим тизимининг асосини эса мафкура, таълим тили ташкил этади. Мафкура нуқтаи назаридан жадидлар якдиллик билан миллий-замонавий, исломий, дунёвий қарашда бўлсалар-да, улар тил масаласида тўла ҳамфикрликка эга эмас эдилар. Жадидларнинг миллат тили, миллат номи, таълим тили ҳақидаги қарашлари ҳали атрофлича ва чуқур таҳлил этилиши зарур. Бу соҳада қилинган ишлар бармоқ билан санарли. Ваҳоланки, жадидларнинг миллат тили ва таълим тилига муносабати маданиятимиз тарихида муҳим аҳамиятга эгадир. Биринчидан, соф исломий мафкурадан фарқли ўлароқ улар миллат тили ва таълим тили бирлигини кўзлар эдилар; миллат таълимни ўз она тилида олмоғи лозим. Исломда расмий-таълимий тил сифатида Қуръон тили, яъни араб тили асосий саналар эди. Шунга кўра олдинги бандда кўрсатиб ўтганимиздек, ибтидоий таълимнинг илк босқичи − тахтача~абжад~"ҳафтияк" қисмлари Қуръонни тўғри ўқий олиш малакасини шакллантиришга қаратилган эди. Иккинчидан, жадидлар таълимнинг илк босқичи Қуръонни ўқиш малакаларинигина ҳосил қилишга қаратилганига қарши эдилар. Шунинг учун Абдулла Авлоний "Биринчи муаллим" китоби (дарслиги)нинг сўз бошисида шундай ёзади:

"Муҳтарам муаллимларимиздан рижо қилурманки, бизнинг "Биринчи муаллим"имиздан ҳам олуб, тажриба қилуб, ўқутуб кўрсалар…". Кўриниб турибдики, устоз Авлоний болалар тахтача~абжад~"ҳафтияк" ўрнида дунёвий, ахлоқий, тарбиявий моҳиятга эга бўлган "Биринчи муаллим" китобини ўрганишларини тажриба қилиб кўришни эҳтиёткорлик билан таклиф этади. Биринчи нашри 1912 йилда амалга оширилган "Биринчи муаллим" китобида оддийдан мураккабга бориш тамойилига қатъий амал қилинади. Дастлаб ҳарфлар алифбо тартибида келтирилади, сўнгра навбати билан қайси ўринда қандай ёзилиши ва уларга оид ихчам, содда мисоллар берилади. Бош ҳарфлар, ўрта, охир ҳарфлар тушунтирилади, ниҳоят, панд-насиҳат тарзидаги ибротомуз матнларга ўтилади. Ўша даврда жадидлар таълим тилини тўла-тўкис туркийлаштириш таклифини ўта журъатсизлик билан кўтариб чиқдилар. Улар таълим она тилида бўлишини талаб этсалар-да, таълим тизимидан форс ва араб тилларини четлаштириш таклифига журъат қила олмас эдилар. Чунончи, Маҳмудхўжа Беҳбудий 1913 йилда ёзган "Икки эмас, тўрт тил лозим" мақоласида шундай ёзади: "Биз туркистонийларға туркий, форсий, арабий ва русий билмоғ лозумдур". Ушбу мақолада Беҳбудий бу тиллардан ҳар бирининг таълим тизимида тутган ўрнини алоҳида очиб беради. Таълим тили тўғрисида жадидларнинг ибтидоий мактаб тили болаларнинг она тилига асосланиши кераклиги ҳақидаги муштарак фикри Саидрасул Азизийнинг "Устози аввал" (1900), Мунаввар Қори Абдурашидовнинг "Адиби аввал" (1907), Беҳбудийнинг "Китоби мунтахаби жўғрофияи умумий" (1906), "Китобатул-атфол" (1908), Ҳамзанинг "Энгил адабиёт" (1911), "Ўқиш китоби" (1911), "Қироат китоби" (1912), Абдулла Авлонийнинг "Биринчи муаллим" (1912), "Иккинчи муаллим" (1912), "Туркий гулистон ёхуд ахлоқ" (1913), "Мактаб гулистони" (1917), Элбекнинг "Ўзбекча ўқиш" (1922) каби китоб (дарслик)ларида ўз аксини топди. Жадидларнинг таълимнинг она тилида бўлиши (ҳеч бўлмаса бошланиши) тўғрисидаги фикрлари якдилона бўлса-да, она тилининг, миллат тилининг қандайлиги масаласида уларнинг дунёқарашида катта тафовутлар

бор эди. Бу масала қисман М.Қурбонова, Й.Саидов, Т.Тоғаев, Ш.Бобомуродова ишларида кўрилган. 1913-1917 йилларда кўпгина журнал ва газеталарда, чунончи, "Садойи Туркистон" газетаси, "Ойна" журналида "Тил масаласи" бўлими (рубрикаси) мавжуд бўлиб, бу бўлимда тил, атамашунослик, имло муаммоларига доир мақолалар жойлаштирилар эди. Жадидларнинг тилга бағишланган мақолалари кўп. Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг "Икки эмас, тўрт тил лозим" (1913), "Тил масаласи" (1915), "Сарт сўзи мажҳулдир", "Сарт сўзи маълум бўлмади" (1916), Фитратнинг "Тилимиз" (1919) каби мақолалари шулар жумласидандир. Бу мақолалар, асосан, ўзбек (туркий) тилнинг асоссиз хўрланганлиги, топталганлигидан чекилган афсус ва надоматлардан иборат. Беҳбудийнинг "Тил масаласи" мақоласи бир оз фарқлидир. Икки қисмдан иборат бу мақоланинг "Ойна" журналининг 1915 йил 11-сонида босилган биринчи қисмида туркий тилларнинг шева ва лаҳжалари, Туркистонда туркий ва форсий-икки тиллилик масаласи ёритилган. Мақоланинг, "Ойна" журналининг 12-сонида босилган иккинчи қисмида эса Туркистон учун умумий, миллий-адабий тил масаласи, жумладан, таълим тили масаласи қўйилади. Муаллиф 1910-1915 йилларда жадид матбуоти саҳифасида ҳукмрон бўлган "Тилимиздан форсий ва арабийни қувайлук" шиорини "Кўп енгил, аммо ижроси мумкин эмас орзулардандур" деб баҳолайди ва бутун Туркистон минтақаси учун ягона адабий тил яратиш мумкин эмаслигини арабий ва форсий, оддий туркий луғат ила ҳозирги шеваларча ёза бермоқдин бошқа илож йўқдур" деган ғояни илгари суради. Беҳбудий фикрича, Туркистонда ягона она тилини таълим тизимига жорий этишдан олдин, оналаримизнинг ўзлари бир неча авлод давомида меъёрлаштирилган адабий тилда ўқитилган бўлмоғи лозим. Жадидларнинг фикрича, таълим тили туркий бўлмоғи лозим, бироқ туркий тушунчаси, унинг моҳияти аниқ эмас эди. Жуда кўп ҳолларда "туркий" деганда жадидлар Исмоил Ғаспирали томонидан ташкил этилган "Таржумон" (нашри 1883 йил 10-апрелдан бошланган) газетасининг қрим-татар, турк-усмонлича аралашмасидан иборат бўлган "тил"и тушунилар эди. Исмоил

Ғаспиралининг жадидларга, хусусан, Россиядаги туркийзабон жадидларга таъсири жуда кучли эди. Бу ҳақида Маҳмудхўжа Беҳбудий "Исмоилбек ҳазратлари" (вафотномаси)да: "Шундайки, бу кунда Руссия мусулмонлари ичинда ҳар бир муаллим ва ҳар усули савтия мактабларининг шогирди ва ҳар бир жаридахон ва ҳар бир жарида муҳаррири марҳумнинг билвосита шогирдонидандурлар. Яъни устози муаззамнинг бу кун Руссия мусулмонлари аросинда милйўнлар ила уламодан муҳарририн ва муаллиминдан ва ўқувчилардан шогирди бордур. Ҳам қандай шогирд! Ўттиз санадан бери доимо онга дарс ўқийдурғон шогирдлардур" деб Исмоил Ғаспиралининг жадид адиблари ва маърифатпарварлари асарлари тилига кучли таъсирини кўрсатади. Албатта, жадидларнинг каттагина қисмининг Туркияда таълим олганлиги ҳам бунга ўз таъсирини кўрсатмай қолмади. Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳам ўз мақолаларида туркий тил деганда, асосан, ўзбекча-туркий-усмонлича аралашма тилини тушунади: "…туркий билинглар, Фирдавсий, Бедил, Саъдий "Маснавий"дан қандай лаззат олса, туркий билганлар Фузулий, Навоий, Боқий, Сомий, Абдулҳақ Ҳомид, Акрамбек, Санойи, Нобий, Ножийлардан, яна Толстўй, Жул Верн ва уламойи замонавий асарини туркий таржимасидан лаззат шундай оладур", деб ёзади Беҳбудий. Бу сирада саналган Фузулий, Навоийдан бошқа шоирларнинг барчаларининг асарлари усмонли турк тилида ёзилган ёки асарлари усмонлиа-туркчага таржима қилинган. Жадид маърифатпарвар адибларининг, хусусан, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдулла Авлоний, Ҳамза, Мунаввар Қориларнинг 1910-1917 йилларда ёзган мактаб таълимига мўлжалланган (номлари юқорида санаб ўтилган) дарсликларини тил жиҳатидан таҳлил этганимизда қизиқ ҳодисанинг гувоҳи бўламиз. Мазкур асарларнинг муқаддималари усмонлича-ўзбекча туркий (аниқроғи "Таржумон" газетаси нутқи меъёрларига мос) бўлса, берилган матнлар, ибратли ҳикоялар, шеърлар ва бошқа асосий ўқув материалларининг тили эски ўзбек тили таъсири сезилиб турган ҳозирги ўзбекча туркийдир. Абдулла

Авлонийнинг "Биринчи муаллим"идан олинган икки парчани фикримиз далили сифатида солиштирамиз:

Биринчи парча: "…миллат болаларина фойдабахш ўлур умидинда бир неча муаллимларимизнинг илтижолари ила кўб вақт тажриба сўнгиндан бу рисолаи ожизонамни "Биринчи муаллим" исми-ла майдони интишора қўйдим. …Инсон нуқсондан холи ўлмадиғи каби қилғон амали ҳам қусур ва хатодан ори(й) ўлмас. Шул сабабли муаллимларимиз ҳар бир қусур ва камчиликларимиздан танбиҳ ва танқид ила огоҳ қилсалар эди".

Иккинчи парча: "Бир кишининг Қосим исмли бир ўғли бор эди. Ота ва онасининг сўзига кирмасдан ҳар хил ёмон ишларни қилур эди. Болалар бирла урушуб, яқолашуб кийимларини йиртуб келур эди. Уйда меҳмон учун асраб қўйган таомларини егон вақтда, онаси: - "Қосим, ўғлим! Таомни сен эдингму?" – деса, – "Мен эганим йўқ, мушук егандур", дер эди… Ҳеч қандай тадқиқотсиз ҳам биринчи парчанинг тили ўзбек учун сунъий, иккинчи парча эса унинг она тили меъёрларини акс эттираётганини сезиш қийин эмас. Чунки биринчи парча асарнинг "Муқаддима"сидан, иккинчи парча эса ўзбек болалари учун ўқиб ўрганиши зарур бўлган асосий матндан олингандир. Шунга ўхшаш ҳодисани барча ўзбек жадид маърифатпарварлари дарслигида кўриш мумкин. Бундан хулоса қила оламизки, жадидлар тўла англамаган ҳолда Исмоил Ғаспирали илгари сурган, Туркияда Анвар, Рифъат, Талъат учлиги тарғиб этган "умумтурк адабий тили" ғояси ўзбеклар учун ёт эканлигини тушунганлар. "Муқаддима"ларида, мақолаларида бу сунъий тилга таянишга ҳаракат қилган бўлсалар-да, ҳақиқатда асосий таҳлил ва ўрганишга мўлжалланган матнларни ўзбек адибларининг анъаналари ҳамда маҳаллий шеваларига таянган ҳолда ёзганлар. Юқоридаги парчалар қиёси бунинг ёрқин мисолидир.

Жадидларда она тили таълими, таълим тилининг номланиши ҳам якдилликка эга эмас эди. Бу тилни улар, асосан, "туркий" деб атайдилар, лекин, айтиб ўтганимиздек, бу сўзнинг маъноси ўта ноаниқдир. Бизнинг

аниқлашимизча, биринчилардан бўлиб 1913 йилда Маҳмудхўжа Беҳбудий томонидан тил номи сифатида ўзбекий атамаси қўлланилади. Шунда ҳам "ўзбекий" сўзини муаллиф туркий сўзининг маънодоши сифатида келтиради: "Туркий, яъни ўзбекийни сабаби шулки, Туркистон халқининг аксари ўзбекий сўйлашур". Ҳамза ҳам ўзбек тили деганда ҳозирги жонли сўзлашув шеваларига яқин бўлган тилни назарда тутади: "…ҳақиқатда қасдан ўзбек тилида экан, биз ўзбек тилига яқинлашдурмоққа киришдик. Бу тўғриларда қусурларимиза авларим ижо ва ниёз этармиз". Ҳақиқатан ҳам, 1910-1920 йилларда ҳозирги Ўзбекистон минтақасининг расмий минтақавий (территориал) номи ҳам (Туркистон, Турон, Мовароуннаҳр), халқнинг номланиши (сорт, сарт, ўзбек, туркистоний, туркий ва б.) ҳам мунозарали ва расмийлашмаган эди. Жадид адибларининг таълим ва унинг тили масаласидаги қарашларига оид фикрларимизни якунлаб айта оламизки, улар мактаб таълимининг тили она тили − ўзбекий-туркий тил бўлиши ғоясини, унинг кенг ўқувчилар оммасига тушунарли бўлишини тарғиб этганлар ва ўз амалиётларида шунга таяниб иш кўрганлар. Жадидлар назарий жиҳатдан сунъий умумтурк тилини тарғиб этгандай бўлсалар-да, амалиётда ундан ўз асарларининг муқаддималари ва жадидона кайфиятдаги газета, журналлардан ташқарида фойдаланмаганлар. Жадидларнинг саъй-ҳаракати билан маърифий-педагогик адабиётга "ўзбекий", "ўзбекча" "ўзбек тили", атамалари ҳам кириб кела бошлади. Бироқ, жадидлар таълим тизимида она тилини ўқув предмети сифатида махсус ўқитиш вазифасини ҳали ўртага қўймайдилар, аммо улар адабий тил меъёрларини оналарга ўқитмоқ зарурлиги муаммосини кўтариб чиқадилар. Таълимни дунёвийлаштириш йўналишида жадидларнинг хизмати ўзбек маданияти тарихида инқилобийдир. Ўзбекистон минтақасидаги мактабларда дунёвий-маърифий таълимни она тилида йўлга қўйишда, замонавий таълим усулларини оммалашишида, она тилида имло, талаффуз ва қироатни йўлга қўйишда жадидчилик ҳаракатининг ижобий таъсири сезиларли бўлди. Бироқ, жадидлар илмий-назарий жиҳатдан ҳам, иқтисодий-сиёсий жиҳатдан ҳам,

ҳудудий-минтақавий жиҳатдан ҳам ўта чегараланган бўлганлиги сабабли ягона миллий давлат, ягона миллий адабий тил, ягона миллий таълим тизими ва унинг тили масалаларини кун тартибига қўйишдан нарига ўта олмадилар. Бу масалалар ўзбек халқи тараққиётининг навбатдаги даври – собиқ Ўзбекистон шўролар Республикаси таъсисидан кейинги ривожланиш босқичида қўйилди ва ўз ечимини топди. 1924 йилдан кейингина Ўзбекистон мактабларида "Она тили (ўзбек тили)", "Ўзбек тили грамматикаси" ўқув предметлари таълимнинг мажбурий таркибий қисми сифатида жорий қилинди. Шундай қилиб, жадидлар она тили ва она тили таълими мақсадини белгилашда она тилининг туркий бўлиши, таълимнинг замон илм, маданияти ва тараққиёти билан боғлиқ бўлишини (яъни унинг замонавийлиги ва дунёвийлигини) кўзлаб тўғри йўл тутганлар. Афсуски, улар, биринчидан, миллат ва миллий тил хусусида аниқ дунёқарашга эга эмас эдилар, шунинг учун миллат тушунчаси, миллий тил тушунчасини тўғри белгилай олмадилар. Иккинчидан, улар, табиийки, ўша ижтимоий-сиёсий-мафкуравий-иқтисодий шароитда таълимнинг тугал дунёвийлиги муаммосини ўртага қўя олмас эдилар. Шунинг учун ҳам уларда таълимнинг мафкура жиҳатдан исломий бўлиши зарур шартлардан бири эди. Бундан хулоса қилиб айта оламизки, жадидлар таълимни тўла-тўкис она (ўзбек) тилига ўтказишни, уни исломий дунёқарашдан узилмаган ҳолда замонавий илм-техника, иқтисод ва сиёсатдан хабардор шахсни тарбиялашга қаратишни, бундай шахсни тарбиялашда она тилини асосий қурол қилиш ғояларини илгари сурдилар. Она тили таълими олдида хат-саводлиликни таъминлаш, замонавий билим ва маданиятни эгаллашга йўл очиш мақсади қўйилган эди. Бундан хулоса қила оламизки, жадидлар она тили таълими мақсадини энди оддий саводли мўминни етиштириш деб эмас, балки хат-саводли (маданиятли), замонавий фан-техника асосларидан хабардор миллий руҳли шахсни тарбиялаш деб тушунганлар. Бундай тушуниш, шубҳасизки, Х1Х асрда ҳукмрон бўлган хат-саводли мусулмонни етиштириш мақсадидан бир босқич баланд эди. Ўқувчини замонасининг илғор фани ва маданиятини эгаллашга лаёқатли, шу

билан бирга миллий туйғулар билан йўғрилган тарзда тарбиялаш вазифасини ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди.

Миллий тараққийпарварларимизнинг орзуси туркистонликларни таназзулдан чиқариш, илғор халқлар қатори жаҳон маданияти тизимидан жой олиш, ўз маданиятини дунё оммасига танитишдан иборат эди. Уларнинг маданий тараққиёт ва таназзул ҳақидаги фикрлари бевосита илм-фан, мактаб, маориф, таълим-тарбия масалалари билан чамбарчас равишда таҳлил этилган. Улар бу соҳада миллий хусусиятларни сақлаб қолган ҳолда Шарқ ва Ғарб маданиятини тараққий эттиришга интилганлар ва ўз фаолиятлари давомида мамлакатда тараққиёт, юксалиш, ривожланиш учун илм-фан, маорифни энг биринчи зарурият деб билганлар. Чунки жадидлар хориж мамлакатларига қилган саёҳатлари давомида Ғарб ва Шарқ мамлакатлари ўртасида тафовутни англадилар ва тараққиёт йўлининг энг биринчи йўналиши илм-фан ва техника зарурияти эканини халққа тушунтиришга ҳаракат қилдилар. Минг афсуски, жадид боболаримиз ўз олдига қўйган эзгу мақсадларни амалга оширишга мавжуд вазият, ижтимоий тузум йўл бермади. Улар учун маориф, илм-фаннинг тараққиёти, миллий юксалиш орзу-армон бўлиб қолди. Бугунги кун Ўзбекистонда янги Уйғониш даври, яъни Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш асосий мақсад қилиб белгиланган экан, Президентимиз таъкидлаганидек, “Буюк аждодларимизнинг орзулари ушаладиган давр келди. Уларнинг бетакрор ва ноёб илмий-маънавий мероси биз учун доимий ҳаракатдаги ҳаётий дастурга айланиши керак. Бу ўлмас мерос ҳамиша ёнимизда бўлиб, бизга доимо куч-қувват ва илҳом бағишлаши лозим”.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Абдуғафуров А. Зокиржон Фурқат. – Тошкент: Фан, 1977. – 211 б.

2.Авазов Н. Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг ижодий мероси (манбалар): Филол. фанлари номзоди. ... дисс. – Тошкент, 1995. – 190 б.

3. Адабиёт назарияси. Икки томлик. 1-2 жилд. – Тошкент: Фан, 1978. – 416 б.

4. Адабиёт энциклопедияси / Тузувчи: Ҳ.Болтабоев. – Тошкент: MUMTOZ SO'Z, 2015. – 664 б.

5. Aliqulov Z., Boymirzaeva S. Sotsiolingvistika: Ma’ruzalar matni. – Samarqand, 2009. – 163 б

6. Behbudiy M. Padarkush. – Toshkent, 1998. – 324 б

7. Раупова Л. Ҳозирги ўзбек тилида сўз бирикмалари: ўқув қўлланма. – Тошкент: Ёшлар матбуоти, 2015. – 219 б.

8.Раупова Л. Нутқ маданияти. Тошкент: ўқув қўлланма. Тошкент: Инновация- зиё, 2018. – 183 б

9.Yuldasheva M. O‘zbek so‘zlashuv nutqining sotsiopragmatik tadqiqi: Filologiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori… diss. av-ti. – Toshkent, 2018. – 35 б.

10.Ўринбоев Б., Ўринбоева Д. Ўзбек тилининг сўзлашув услуби: ўқув қўлланма. – Тошкент, 1991. – 246 б.